

Анор – Ўзбекистонда энг кенг тарқалган субтропик экинлардан биридир. Қулай тупроқ-иқлим шароитларининг мавжудлиги маҳаллий навлар мажмуисини шаклланишига олиб келди.

Анор тез ҳосилга кирувчи ўсимлик. Экилгандан сўнг 3-4 йил ҳосилга киради. Қишки совуқларга чидамсизлиги унинг камчилиги ҳисобланади. Шунинг учун у аксарият ҳудудларда қишда кўмилади.

Фермер хўжаликларида етиштириладиган анорнинг навлар мажмуиси чекланган. Табиийки, мавжуд навлар турларини кенгайтириш, унинг хилма-хиллигини ошириш, фермер хўжаликларида янги навларни жорий қилиш, қариган анор боғларини қайта тиклаш, мавжуд боғларни кенгайтириш ва янгиларини барпо этиш лозим.

Оналик-нав боғи. Анор уруғлари, илдиз бачкилари ва қаламчалари билан кўпаяди. Энг самарали усул анорни қаламчалар билан кўпайтириш ҳисобланади. Анорнинг соғлом кўчатларини олиш учун фермер хўжалигида оналик-нав туплари ёки оналик туплари бўлиши керак. Кўпайтириладиган навларнинг туплари қаламчаларни етарлича тайёрлаш учун етиштирилиши лозим. Улар касаллик ва зараркунандалардан холи бўлиб, нав тозалиги бўйича апробациядан ўтказилади. Туплар яхши ўсиши ва ривожланиши учун ҳар йили 10-15 т/га гўнг, 240 кг/га азот, 120 кг/га фосфор ва 30 кг/га калий соф ҳолда солинади.

Анор кўчатзорини барпо этиш. Кўчатзор учун текис, сув билан таъминланган, қуёш нурлари яхши тушадиган, қуруқ ва совуқ ҳаволардан ҳимояланган ерлар танланади. Унумдор бўз, енгил ва ўрта қумоқ тупроқлар кўчатзор учун яхшиси ҳисобланади. Механик таркиби оғир, шағалли, шўрланган, ботқоқлашган ерлар анор кўчатзори учун тўғри келмайди.

Кузда тупроқни 35 см чуқурликда ҳайдаб, 20-30 т/га маҳаллий ўғитлар ва 90 кг/га фосфор

солинади. Эрта баҳорда шудгор боронланади ва чизелланади. Қаламчаларни экишдан олдин чизеллаб яна борона солинади.



Расм 1. Анорни мевали шохи.

Қаламча тайёрлаш ва уни сақлаш. Қаламча апробация қилинган юқори ҳосилдор она туплардан тайёрланади. Бир йиллик новдалардаги қаламчаларни илдиз олиши юқори ҳисобланади. Бир йиллик қаламчаларнинг илдиз олиши ва ўсиши 2 ва 3 йиллик новдалардан олинган қаламчаларга қараганда 30 кун илгари бошланади. Қаламчаларнинг диаметри камида 8-10 мм ва узунлиги 25-30 см бўлиши лозим. Бундан кичик бўлган қаламчаларда илдиз чиқариш ва кўчат чиқими кам бўлади. Шу билан бирга, 30 см дан узунроқ бўлган қаламчалар билан ишлаш анча ноқулай ва экиш материаллари кўп сарфланади. Анор қаламчаларида жадал илдиз олиши 12-14°C да содир бўлади. Қаламчаларни асосан куз ойларида ҳосил йиғиб олингандан сўнг тайёрланади. Қаламча учун қирқилган

новдаларнинг учки нозик томони қирқиб ташланади, ён шоҳларидан тозаланади. Улар далада экилгунга қадар, чуқурлиги 0,75-1,0 м ва эни 1,0-1,3 м келадиган ўраларда сақланади. Новдалар ўраларда кўндалангига горизонтал ҳолатда жойлаштирилади ва устига 3-4 см нам тупроқ тортилади. Ўра тўлганидан сўнг унинг устига 30-35 см гача тупроқ уюлади.



Расм 2. Анорнинг оналик-нав тупи.

Қаламчаларни экиш. Экишдан олдин ўралардаги новдалар олиниб, узунлиги 25-30 см келадиган қаламчалар тайёрланади.

Новдани пастки томони куртақнинг тагидан қия кесилади, учки томони куртақдан 2 см юқорироқдан кесилади. Қаламчалар 70×10-15 см схемада экилади. Экилгандан сўнг яхшилаб суғорилади.

Анор кўчатзорини парвариш қилиш. Қаламчаларнинг яхши илдиз олиши ва юқори сифатли кўчатлар етиштириш учун суғоришни таъсири жуда катта, айниқса кўчатлар ривожланишининг биринчи 2-3 ойида суғоришлари яхши самара беради. Ўсув даври давомида 12-15 мартагача қуйидаги схема бўйича суғорилади: апрель – 1-2 марта, май – 2, июнь – 3, июль – 3, август – 2-3, сентябрь – 1-2 марта. Ёз давомида 3-4 марта культивацияланади, 3-4 марта

қаторлари юмшатилади, бегона ўтлар йўқотилади. Кўчатларни ўсиш ва ривожланишини кучайтириш мақсадида, май – июнь ойининг бошларида ҳамда июнь ойининг охирида 35-40 кг/га миқдорида соф ҳолдаги азотли ўғит билан озиқлантирилади.

Кўчатларни қовлаб олиш кузда октябрь ойининг охири – ноябрь ойларида ўтказилади. Кўчатлар соғлом, карантин касаллик ва зараркунандаларидан холи бўлиши керак. Кўчатлар қовлаб олингандан сўнг, икки стандарт навга сараланади:

Биринчи нав – узунлиги камида 50 см бўлган 2-3 асосий, шакланган новдаларга ҳамда узунлиги 30 см дан кам бўлмаган илдиз системасига эга бўлган кўчатлар.

Иккинчи нав – узунлиги камида 30 см бўлган 1-2 асосий, шакланган новдаларга, узунлиги 20 см дан кам бўлмаган илдиз системасига эга бўлган кўчатлар киради.

Ўсишдан орқада қолган, илдизлари нимжон, тўлиқ ривожланмаган (узунлиги 20 см дан кам) кўчатлардан ишлаб чиқаришда фойдаланилмайди. Улар қайта экилиб парвариш қилинади.



Расм 3. Анорнинг гуллаган туши.



Bioversity
International



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC

Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайитириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Расмда: Қорақалғистон Республикаси, Беруний тумани, У.Жуманийёзов қишлоғидан фермер Хожибоев Рустамнинг анор она боғи.

Тузувчилар: К.И.Байметов, Е.А.Шредер, Ш.М.Ахмедов
А.Қ.Қайимов умумий таҳрири остида.

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институти

Анорни фермер хўжаликларида
кўпайтириш технологияси



Тошкент – 2015